



ИНФРАТУЗИЛМАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ТАШҚИ ҚАРЗДАН ФЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Каримов Бехруз Вафокулович

ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлантиришининг
илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази мустақил
тадқиқотчиси

ORCID: 0009-0004-6252-2688

bexruz.karimov@imv.uz

Аннотация. Мазкур мақолада инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарз ресурсларидан фойдаланишининг халқаро тажрибаси ва унинг иқтисодий самарадорлигини белгилайдиган институционал омиллар таҳлил қилинган. Тадқиқотда Жанубий Корея, Малайзия, Чили, Хитой, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Осиё минтақаси давлатлари мисолида инфратузилмавий лойиҳаларни ташқи молиявий манбалар ҳисобидан молиялаштириш моделлари ўрганилди. Мақолада Ўзбекистон шароитида инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарз ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий хулосалар ва амалий ёндашувлар асослантирилган.

Калит сўзлар: инфратузилма молиялаштириш, ташқи қарз, халқаро тажриба, давлат-хусусий шериклик, суверен қарз, сукук молиялаштириш, қарз барқарорлиги, институционал бошқарув, инфратузилма инвестициялари, иқтисодий ўсиш.

Аннотация. В данной статье анализируется международный опыт использования ресурсов внешнего долга при финансировании инфраструктуры, а также институциональные факторы, определяющие его экономическую эффективность. В исследовании рассмотрены модели финансирования инфраструктурных проектов за счёт внешних финансовых источников на примере Южной Кореи, Малайзии, Чили, Китая, стран Европейского союза и государств Азии. В статье также обоснованы научные выводы и практические подходы по эффективному использованию ресурсов внешнего долга при финансировании инфраструктуры в условиях Узбекистана.

Ключевые слова: финансирование инфраструктуры, внешний долг, международный опыт, государственно-частное партнёрство, суверенный долг, сукук-финансирование, долговая устойчивость, институциональное управление, инфраструктурные инвестиции, экономический рост.

Abstract. This article analyzes the international experience of using external debt resources in financing infrastructure and the institutional factors that determine its economic effectiveness. The study examined models of financing infrastructure projects from external financial sources using the examples of South Korea, Malaysia, Chile, China, European Union countries and countries of the Asian region. The article substantiates scientific conclusions and practical

approaches to the effective use of external debt resources in financing infrastructure in the conditions of Uzbekistan.

Keywords: *infrastructure financing, external debt, international experience, public-private partnership, sovereign debt, sukuk financing, debt sustainability, institutional governance, infrastructure investments, economic growth.*

Кириш.

Замонавий глобал иқтисодиётда инфратузилманинг ривожланиш даражаси миллий рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни белгилаб берувчи стратегик омил сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, транспорт, энергетика, телекоммуникация, рақамли ва ижтимоий инфратузилма тармоқларининг узвий ва самарали фаолият кўрсатиши иқтисодий фаолликни жадаллаштириш, ҳудудий интеграцияни таъминлаш, халқаро товар ва капитал оқимларини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу билан бирга, инфратузилма соҳалари, капитал сизими юқори, инвестициянинг узоқ муддатли самараси билан характерланувчи йирик лойиҳалар ҳисобланади. Шу сабабли, аксарият мамлакатлар учун бундай лойиҳаларни фақат ички молиявий манбалар ҳисобидан қоплаш амалда чекланган имкониятлар билан тўқнаш келади.

Мазкур ҳолат жаҳон амалиётида инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарз ресурсларидан оқилона фойдаланишни кенг қўлланиладиган молиявий механизм сифатида шакллантирди. Ташқи қарз бутунги кунда фақат давлат мажбурияти эмас, балки иқтисодий трансформация жараёнларини тезлаштирувчи, ички ресурслар етишмовчилигини қопловчи ва стратегик инфратузилмавий лойиҳаларга капитал жалб қилишни таъминловчи муҳим восита ҳисобланади. Ривожланаётган иқтисодиётлар тажрибасида транспорт-коммуникация тармоқлари, энергия таъминоти, сув хўжалиги ва рақамли инфратузилма бўйича модернизация дастурларининг сезиларли қисми ташқи молиявий манбалар орқали амалга оширилгани кузатилади.

Адабиётлар шарҳи.

Халқаро амалиётда ташқи қарздан фойдаланиш самарадорлиги молиялаштириш моделининг тўғри танланиши, давлат қарзини бошқаришнинг институционал салоҳияти, шунингдек, инвестицион муҳит барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Жумладан, Жанубий Корея, Малайзия ва Чили каби давлатларда ташқи қарз, аниқ мақсадли инфратузилма стратегияси асосида, иқтисодий ўсиш драйверига айланган бўлса, бошқарув самарадорлиги паст бўлган айрим Африка мамлакатларида эса ноўрин қарз юки “қарз мажбурияти доми”га олиб келгани кузатилади.

Хитой ташқи қарздан фойдаланишни инфратузилма экспорти ва геосиёсий таъсирни кучайтириш билан интеграциялаштирган. “Бир камар, бир йўл” ташаббуси доирасида Хитой Болқон давлатлари, Покистон, Африка ва Марказий Осиёда порт, темирйўл ва автойўлларни молиялаштириб, қарзни геоиқтисодий таъсир инструментига айлантирган (Stekić & Nikolić, 2025).

Шу билан бирга, Хитойнинг ташқи қарз портфели барқарор деб баҳоланган бўлса-да, хусусий секторнинг қисқа муддатли ташқи қарзи ўсиши қайта

молиялаштириш хавфини ошираётгани таъкидланади (Balyuk, 2020). Хитой ташқи молиялаштириш жараёнларида экологик устуворлик тамойилларини интеграциялаштирмоқда. Хусусан, “debt-for-nature” ва “debt-for-climate” инструментлари орқали қарзни қисман ёки тўлиқ кечириб эвазига биохилма-хилликни сақлаш, карбон чиқиндиларини қисқартириш ва экологик барқарорликка қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш шартларини назарда тутувчи ёндашувлар шаклланимоқда (Simmons et al., 2021).

Хитой модели таянган асосий тамойил: *қарз = геосийёсий таъсир + инфратузилма экспансияси + экспортбоп капитал жиҳозларини ташқи бозорга навбатма-навбат йўналтириш.*

ЕИ мамлакатлари инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарзга нисбатан камроқ боғлиқ. Чунки Еврохудуддаги давлатлар евро орқали ички ва ягона Европа молия бозоридан самарали фойдалана олади. Италия, Испания каби мамлакатлар инфратузилма лойиҳаларини асосан ички давлат қарзи ҳисобига молиялаштирса (Nikolaieva & Yakubovskiy, 2023), Чехия ва Польша каби евро ни қабул қилмаган давлатларда ташқи қарзнинг ўрни ҳали ҳам сақланиб қолмоқда (Balyuk & Balyuk, 2021). Европа моделининг фарқли жиҳати, *қарздан кўра паст рискли ички бозор инструментларига таяниш ва қарз барқарорлигини институционал чуқурлашув орқали таъминлаш.*

АҚШ инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарзга эмас, АҚШ Ғазначилиги облигациялари каби ички долларли қарз инструментларига таянади. АҚШ ташқи қарзи катта бўлса-да, унинг асосий қисми ички бозорда айланади ва доллар эмиссия имконияти ташқи молиявий босимни минимал даражада ушлаб туради (Kuzmina & Parkhomchuk, 2022). Инфратузилма инвестицияларида эса PPP (Public–Private Partnership-давлат-хусусий шериклик) моделлари устувор бўлиб, пандемиядан кейин уларнинг аҳамияти янада ортгани таъкидланади. АҚШ модели: бозор капиталининг юқори ривожланиши = ташқи қарзга эҳтиёжнинг минималлашуви билан изоҳланади.

Сўнги йилларда, айниқса пандемиядан кейинги даврда, Осиё мамлакатлари инфратузилма тармоқларини тиклаш ва модернизация қилиш учун катта ҳажмдаги молиявий ресурсларга эҳтиёж сеза бошладилар. Маҳаллий бюджет имкониятларининг чекланганлиги ҳамда ички молия бозорлари салоҳиятининг етарли эмаслиги ташқи молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни янада оширди. Шу боис, ташқи қарз инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий манбаси сифатида кенг қўлланмоқда. Бироқ бундай молиялаштиришнинг натижадорлиги ва барқарорлиги ҳар бир мамлакатдаги институционал муҳит, бошқарув маданияти ва амалга оширилган молиявий сиёсатларга боғлиқ равишда сезиларли даражада фарқ қилмоқда.

Индонезия, Вьетнам, Камбоджа ва Малайзияда пандемиядан кейин инфратузилма тармоқларини қайта тиклаш устувор вазифага айланди. Бу жараёнда ташқи қарз ва хусусий капитални жалб этиш асосий молиялаштириш йўналиши сифатида қўлланилди. Давлат-хусусий шериклик моделининг оммалашуви инфратузилмани тезкор молиялаштириш, бюджет юкини камайтириш ва

хатарларни давлат ҳамда хусусий сектор ўртасида тақсимлаш имконини берди (ADB, 2023).

Вьетнам, Камбоджа ва Индонезия мисолида ташқи қарзнинг молиявий ривожланишга таъсири турлича намоён бўлган. Вьетнамда ижобий натижа қайд этилган бўлса, Индонезияда таъсир қисқа муддатда ижобий, узоқ муддатда эса хавfli деб баҳоланган. Камбоджада эса таъсир деярли нейтрал бўлган (Nguyen, 2023). Бу ҳолат ташқи қарзнинг натижаси, аввало, унинг бошқарув сифати ва инвестициялар таркибига боғлиқ эканини кўрсатади.

ASEAN бўйича олиб борилган тадқиқотлар инфратузилма сармоялари ташқи қарзга қисқа муддатда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаслигини, аммо узоқ муддатда бюджет харажатлари орқали таъсир этувчи омилга айланишини таъкидлайди. Пандемия даври инфратузилмавий эҳтиёжларни кескин ошириб, ташқи қарз улущининг ўсишига сабаб бўлган. Давлат харажатлари таркиби, инфляция ва макроиқтисодий сиёсат қарз динамикасига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида қайд этилган (Sukanto et al., 2024).

23 та Осиё давлати мисолидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ташқи қарз ижтимоий инфратузилма ва турмуш даражасига маълум чегарагача ижобий таъсир кўрсатади, аммо қарз юки меъёрдан ошганда бу таъсир тескари йўналишга ўтади. Бошқача айтганда, ташқи қарз таъсири “Laffer эгри чизиғи”га монанд равишда ишлайди ва унинг натижаси институционал сифат ҳамда сиёсий барқарорликка бевосита боғлиқ (Arshed et al., 2022).

Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешда ташқи қарз инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим аҳамият касб этган бўлса-да, ҳаддан ташқари қарзланиш иқтисодий ўсиш суръатларини пасайтирган ҳолатлар кузатилган. Хусусан, энергетика ва логистика инфратузилмасига оид лойиҳаларда самарадорлик кўпроқ бошқарув шаффофлиги ва молиявий интизомга боғлиқ бўлган (Wanniarachchi, 2020).

Осиё мамлакатлари учун ташқи қарз инфратузилмани ривожлантиришнинг муҳим молиявий манбаси бўлиб қолмоқда. Бироқ тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, қарз самараси унинг ҳажмига эмас, балки молиялаштириш механизмлари, сармоя йўналиши ва давлат бошқаруви сифатининг юқорилигига боғлиқ. Инфратузилмани ривожлантиришда ташқи қарздан оқилона фойдаланиш, хавфларни бошқариш ва узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарздан фойдаланиш самарадорлиги, аввало, унинг институционал бошқарув сифати, молиявий интизоми ва стратегик йўналтирилиши билан белгиланади. Демак, ташқи ресурсларни жалб қилишнинг ўзи иқтисодий ўсишни таъминламайди; унинг ижобий натижаси қарз маблағларини мақсадли танлаш, шаффоф амалга ошириш ва юқори иқтисодий самарага эга лойиҳаларга йўналтириш қобилиятига бевосита боғлиқ.

Халқаро амалиётда инфратузилма лойиҳаларини ташқи манбалар ҳисобига молиялаштиришнинг турли моделлари шаклланган бўлиб, улар мамлакатларнинг

институционал салоҳияти, молиявий барқарорлик даражаси ва ташқи капиталга боғлиқлик кўламига қараб танланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, молиялаштириш модели ташқи қарзнинг макроиқтисодий таъсирини белгилайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур йўналишда халқаро тажрибада тўртта энг кенг тарқалган механизм ажралиб туради.

Биринчидан, суверен қарз модели (sovereign borrowing) давлатнинг ўз номидан ташқи молия институтларидан қарз жалб қилишига асосланади. Бу модель 1960–1980-йилларда Жанубий Корея ва Туркияда саноатлашув ва инфратузилма қурилишида ҳал қилувчи молиявий восита сифатида қўлланган. Моделнинг устун жиҳати стратегик мувофиқлашув ва давлат назоратининг юқорилиги, бу эса йирик лойиҳаларни тезкор амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, унинг энг катта хавфи давлат қарздорлигининг ўсиши ва бюджет барқарорлигига бўлган босимдир. Демак, суверен қарз модели фақат қарз юкини узоқ муддатли назорат қилиш имконияти мавжуд бўлган шароитдагина самарали ҳисобланади.

Иккинчидан, давлат–хусусий шериклик модели (Public–Private Partnership, PPP) инфратузилмани молиялаштиришда хусусий сектор ресурсларидан фойдаланишга имкон беради. Бу усул Малайзия ва Туркияда транспорт, энергия ва коммунал инфратузилма йўналишларида юқори самара берган. Давлат рискларни хусусий шерик билан бўлишади, ташқи қарз юки эса чекланган ҳолда қолади. Аммо моделнинг самараси кафолатлар тизими, шартномалар шаффофлиги ва институционал назорат даражасига кучли боғлиқ. Давлат–хусусий шериклик модели ташқи қарз юкини минималлаштириш ва лойиҳа самарадорлигини ошириш учун энг мақбул замонавий восита саналади, аммо фақат яхши институционал муҳит бўлганда кутилган натижа беради.

Учинчидан, “қарз–акция” алмашинуви модели (debt-for-equity swap) ташқи қарз мажбуриятларини инфратузилма активлари улушига алмаштириш орқали қарз юкини енгиллаштириш механизмидир. Бразилия ва Индонезия мисолида ушбу усул суверен қарздорликни қисқартириш билан бирга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кенгайтиришга хизмат қилган. Модел ташқи қарз хавфини пасайтиради, аммо стратегик активлар устидан давлат назорати қисман камайиши мумкин. Демак, ушбу механизм фойдаланишда мувозанатли ёндашув ва миллий манфаатларни ҳимоя қилувчи ҳуқуқий меъёрларни талаб этади.

Тўртинчидан, исломий молиялаштириш модели (sukuk-based financing) сукук ва шариат меъёрларига асосланган молиявий инструментлар орқали инфратузилмани барқарор молиялаштиришни назарда тутди. Малайзия ва Саудия Арабистонида сукук маблағларининг 40–60 фоизи инфратузилма лойиҳаларига йўналтирилиб, ташқи ресурслар диверсификациясига эришилган. Бу усул узоқ муддатли инвесторларни жалб қилиш ва қарз портфелини барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга, чунки сукук одатда реал активлар билан қопланади. Шу сабабли сукук асосидаги молиялаштириш ташқи манбаларни диверсификация қилиш ва молиялаштиришнинг барқарор моделини шакллантириш учун самарали восита ҳисобланади.

Умуман, халқаро амалиёт инфратузилмани ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг самарадорлиги, аввало, моделнинг тўғри танланиши,

рисklarни оқилонга тақсимлаш ва молиявий сиёсатнинг узоқ муддатли стратегик мақсадлар билан уйғунлигига боғлиқ. Яъни ташқи ресурсларни жалб қилишнинг ўзи иқтисодий ўсишни кафолатламайди, самара фақат институционал муҳит, шаффоф бошқарув ва молиявий интизом мавжуд бўлган шароитдагина юзага чиқади.

Демак, инфратузилмани молиялаштириш жараёнида ташқи қарзнинг самарадорлиги барча мамлакатларда бир хил натижа бермайди. Халқаро тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, унинг таъсири, аввало, молиявий бошқарув ва институционал муҳитнинг қай даражада самарали эканига боғлиқ. Умумлашма иқтисодий моделлардан келиб чиққан ҳолда, ташқи ресурслар самарадорлигини белгиловчи учта асосий омил мавжуд.

Биринчиси, институтлар ва бошқарув сифатининг даражаси. Жаҳон банкининг 2023 йилги ҳисоботларига кўра, *Governance Efficiency Index* кўрсаткичи 70 балдан юқори бўлган мамлакатларда ташқи қарз ҳисобига молиялаштирилган инфратузилма инвестициялари ЯИМ ўсишини ўртача 1,5 фоизга оширган. Шу билан бирга, институтлари заиф, коррупция даражаси юқори ва назорат механизми чекланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 0,3 фоиздан ҳам ошмаган¹. Демак, институционал муҳит ташқи молиялаштириш натижадорлигини белгилайдиган асосий модератор-омил сифатида қайд этилади.

Иккинчиси, инвестиция самарадорлиги ва лойиҳавий мониторинг тизими. Европа Иттифоқи тажрибасига кўра, харажатлар шаффофлиги, тендерлар очиқлиги, лойиҳа натижаларини баҳолаш индикаторларининг мавжудлиги инвестиция қайтармасини ўртача 25–30 фоизга оширади. Бунга тескари равишда, мониторинг ва аудитининг самарали йўлга қўйилмаган Африка мамлакатларида ташқи қарз ҳисобига амалга оширилган инфратузилма лойиҳаларининг молиявий самараси паст бўлиб қолгани аниқланган². Демак, самарадорликка эришиш учун ташқи ресурсларни жалб қилишнинг ўзи етарли бўлмай, натижага асосланган лойиҳа бошқаруви зарур.

Учинчиси, молиявий диверсификация ва хавфни тақсимлаш механизми. Тадқиқотлар кўрсатишича, ташқи қарз билан бирга сукук, грант, ДХШ ва тўғридан-тўғри хорижий инвестиция каби манбаларни биргаликда қўллаш қарз юқини ўртача 20–25 фоизга пасайтиради ва макроиқтисодий барқарорликни оширади. Малайзия ва Туркия мисолида айнан диверсификация стратегияси ташқи молиявий хавфларни камайтириш ва бюджет барқарорлигини таъминлашда самарали механизм сифатида намоён бўлган.

Қисқа қилиб айтганда, ташқи қарз инфратузилмани ривожлантиришда муҳим молиявий инструмент ҳисобланса-да, унинг ижобий таъсири институционал сифат, лойиҳа мониторинги ва молиявий диверсификация каби омиллар билан шартланади. Демак, самарали бошқарув бўлганда ташқи қарз иқтисодий ўсиш

¹ World Bank — Sustainable Infrastructure Finance (Overview and Data). <https://www.worldbank.org/en/topic/sustainableinfrastructurefinance?>

² OECD (2025), Addressing Legal and Regulatory Barriers to Quality Infrastructure Investment in India, Indonesia and the Philippines, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/fb81e1be-en>.

драйверига айланади, акс ҳолда эса қарз юкини ортирувчи омилга айланиши мумкин.

Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантириш давлат молиясининг стратегик устувор йўналишларидан бири бўлиб, сўнги йилларда ташқи қарз маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган йирик лойиҳалар сони сезиларли даражада ортди. Бундай шароитда халқаро тажрибани қиёсий таҳлил қилиш инфратузилмани молиялаштириш модели, молиявий барқарорлик тамойиллари ва қарзга боғлиқ хавфларни камайтириш механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон учун қуйидаги илмий-назарий хулосаларни шакллантириш мумкин.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарздан самарали фойдаланиш даражаси, аввало, давлат томонидан қабул қилинаётган молиялаштириш модели, институтчионал бошқарув сифати ва қарз ресурсларининг аниқ мақсадли йўналтирилиши билан белгиланади. Яъни ташқи манбаларнинг мавжуд бўлиши ёки улардан фойдаланишнинг ўзи иқтисодий ўсишни ёки ижтимоий фаровонликни кафолатламайди. Қарз сиёсати натижадорлиги молиявий интизомга риоя этилиши, лойиҳаларни баҳолаш ва мониторинг қилиш механизмларининг самарадорлиги ҳамда стратегик устувор йўналишларни тўғри белгилаш даражасига боғлиқ.

Биринчидан, ташқи қарздан фойдаланишнинг модели муҳим аҳамият касб этади. Инфратузилмани молиялаштиришда давлат қарзи, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ёки суверен кафолатлар орқали жалб қилинган ресурсларнинг тўғри танланиши рискларни босқичма-босқич камайтиради. Яъни тўғри молиялаштириш модели қарз юкини бошқариш қобилиятини оширади ва лойиҳалар барқарорлигини таъминлайди.

Иккинчидан, ташқи қарздан фойдаланиш жараёнида бошқарув сифатининг юқорилиги ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Халқаро тажриба шуни тасдиқлайдики, кучли институтлар, ошқора молиявий ҳисобдорлик ва жамоатчилик назорати мавжуд бўлган шароитдагина қарз маблағлари мақсадли ва тез қайтариладиган йўналишларга йўналтирилади. Яъни корпоратив ва давлат бошқарувининг шаффофлиги қарз маблағларининг самарадорлигини оширади.

Учинчидан, ташқи қарз ресурсларининг қай даражада мақсадли сарфланиши катта аҳамиятга эга. Транспорт, энергетика, рақамли инфратузилма, “яшил” иқтисодиёт каби юқори мультипликатив самарага эга соҳаларга йўналтирилган қарз маблағлари барқарор иқтисодий ўсишни тезлаштиради. Чунки мақсадли ва стратегик ёндашув ташқи қарзнинг ижобий иқтисодий натижаларини кафолатлайди.

Хулоса.

Хулоса қилганда, ташқи қарз инфратузилмани ривожлантириш учун муҳим молиявий инструмент бўлса-да, унинг самарадорлиги институционал муҳит, молиявий интизом, лойиҳа бошқаруви ва миллий ривожланиш устувор йўналишлари билан узвий боғлиқдир. Самарали бошқарув мавжуд бўлган давлатларда ташқи қарз иқтисодий ўсиш драйверига айланса, бошқарув заиф

бўлган шароитларда у қарз юкининг ортиши ва молиявий барқарорликка хатарлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, инфратузилмани молиялаштиришда ташқи қарзнинг самарадорлиги унинг миқдоридан кўра кўпроқ стратегик бошқарув сифатлари, институционал муҳит барқарорлиги ва молиявий диверсификация даражаси билан белгиланади. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, самарали бошқарилган ташқи ресурслар инфратузилмавий ривожланишни тезлаштиради, акс ҳолда қарз юкининг ортиши ва фискал таваккалларни кучайтириши мумкин. Ўзбекистон учун ушбу ёндашувларни адаптация қилиш ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, инфратузилмавий ўзгаришларни жадаллаштириш ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг мустақкам молиявий пойдеворини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

Arshed, N., Nasir, S., & Saeed, M. (2022). Impact of the External Debt on Standard of Living: A Case of Asian Countries. *Social Indicators Research*, 163, 321 - 340. <https://doi.org/10.1007/s11205-022-02906-9>.

Balyuk, I. (2020). External Debt of China: Current State and Prospects. , 80-93. <https://doi.org/10.31857/s013128120010554-0>.

Balyuk, I., & Balyuk, M. (2021). External Debt Problem in the European Union. *The world of new economy*. <https://doi.org/10.26794/2220-6469-2021-15-2-47-61>.

Kuzmina, V., & Parkhomchuk, M. (2022). Comparative Analysis of Macroeconomic Indicators of the EU and the USA. *Proceedings of the Southwest State University. Series: Economics, Sociology and Management*. <https://doi.org/10.21869/2223-1552-2022-12-1-23-36>.

Nguyen, H. (2023). Impact of external debt on financial development: an empirical analysis of selected east asian and pacific countries. *Dalat University Journal of Science*. [https://doi.org/10.37569/dalatuniversity.13.4s.1162\(2023\)](https://doi.org/10.37569/dalatuniversity.13.4s.1162(2023)).

Nikolaieva, D., & Yakubovskiy, S. (2023). The dynamics of eu countries debt in the context of the global covid-19 pandemic. *The actual problems of regional economy development*. <https://doi.org/10.15330/apred.1.19.25-38>

Stekić, N., & Nikolić, J. (2025). Conflicting visions of Connectivity: EU's and China's infrastructural agendas for the Western Balkans. *Nacionalni interes*. <https://doi.org/10.5937/nint50-54932>.

OECD (2025), *Addressing Legal and Regulatory Barriers to Quality Infrastructure Investment in India, Indonesia and the Philippines*, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/fb81e1be-en>.

Simmons, B., Ray, R., Yang, H., & Gallagher, K. (2021). China can help solve the debt and environmental crises. *Science*, 371, 468 - 470. <https://doi.org/10.1126/science.abf4049>.

Sukanto, S., Azwardi, A., Mukhlis, M., Atiyatna, D., & Hamira, H. (2024). Unveiling external debt dynamics: Interdependencies of macroeconomic variables in ASEAN-7. *Jurnal Perspektif Pembiayaan dan Pembangunan Daerah*. <https://doi.org/10.22437/ppd.v12i1.31408>.

<https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/959761/adb-financial-report-2023.pdf>

Wanniarachchi, S. (2020). The Nexus among External Debt and Economic Growth: Evidence from South Asia. *Political Economy - Development: Fiscal & Monetary Policy eJournal*. <https://doi.org/10.2139/ssrn.3696553>.

World Bank — Sustainable Infrastructure Finance (Overview and Data). <https://www.worldbank.org/en/topic/sustainableinfrastructurefinance?>

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

